

ТОНГ ЙОЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмириларининг газетаси

№ 27
(65819)
11 октибрь,
1994 йил
СЕПАНБА
Сотуда эркин
нархда.

ЎзССР Давлат китоб саласи

Мустақилликка бағишилов

Гос. енажжаса наимати УзССР

КИНДИК ҚОНИМ ТҮКИЛГАН ТУПРОҚ

Ватан... Унинг тупроғида минглаб баҳор гуллаган, минглаб куз хазонлари кўмилган. Беҳудуд коинот қаърида бетин учид бораётган мана шу она сайёрани Оллоҳ бизга, инсонга инъом этган. Баъзан, тунлар кўк тўла юлдузларга боқиб бутун борлигим ҳайратта айланади. Юрак эса қафасини синдиргудек типирчилайди, тутқун күшдек нола чекади. Ва, хаёлимда бир савол ҳоким ўрнашади:

Ватан нимадир? Балки Ватан нелигини англаганларгина уни билишга қодирдир. Мен эса...

Сўқмоқ ўйлдан қишлоқда кирип боряпман. Қуёш уфқда қизаради. Тупроқ тафти қутарилиб кўнгилни хуш ис билан тўлдиди.

Ҳар бир инсон қалбига киндик қони тўкилган тупроққа соғинч ва тупроқни севиш туйғуси сингдирилган.

Қишлоғимнинг қуий қисми пастқам тепаликлардан, қири адирлардан бошланган бўлса, боши магрур чўққиларга тулашиб кетган. Қуёшдан нур талашган жилгаларнинг олтин жилваси кўнгилга суур бахш этади. Юракдан шоирнинг:

“Бу дунёнинг жаннати тоглар,
Мени чорлар бағрига бот-бот.
Кучогида кезганим чоғлар,
Замзамадай суюмли ҳаёт”.

деган сатрлари отилиб чиқади. Алвон қизгaldoқларнинг сехри кўнгилни тинимиз жунжитади. Асрий кўк либос кийган арчалар армонларни аритади. Югирик алқорлар тошдан тошга сакраб нигоҳингизни қувнатади. Ҳатто, бўрилар ҳам бу ер одамларига, чорваларига тегишмайди. Ризқини узоқлардан ўз боласига келтиради. Ваҳший ҳайвон қонида ҳам ўз ватанига меҳр туйғуси яширинган...

Овозимни барадла қўйиб, шу — Ватан дейман.

Обуна — 95

Азиз болалар!

1995 йилдан сизнинг севимли газетангиз “Тонг юлдузи” учун муҳарририят ходимлари “теша тегмаган”, қизиқарли, одоб-аҳлоқа чакиривчи талайгина мақолаларни тайёрлашмоқда. Бунда сиз: ота-онасилинг эътиборсизлиги билан чиқиб кетган ёнриндан ҳеч иккиланмай тўрт нафар укасини кутқариб олган 14 ёшли довюорак бола ҳақида, 13 ёшида инсонларда учрайдиган касалликни даволаш бўйича мураккаб тажрибалар ўтказётган истеъодли ўқувчи ҳақида, ота-онасилинг зўрлиги билан хорижга кўчиб кетган боланинг қийинчиликлари ҳақида мақолаларни ўқийсиз.

Агар сизни ушбу мавзулар қизиқтираса ва сиз ўз қадрдан газетангиздан ажралиб қолишини истамасангиз, унда албатта, “Тонг юлдузи” газетасига 1995 йил учун обуна бўлинг:

Обуна баҳоси:

1 йилга — 54 сўм.

6 ойга — 27 сўм.

3 ойга — 13 сўм 50 тийин.

Нашр кўрсаткичи: 64563

Дилдаги гоплар



— Ким нима деса, десину, аммо “Тонг юлдузи”дан қизиқроқ газета йўқ. Ишонмасангиз ўзингиз олиб ўқинг. У бизу сиз каби болалар ҳаётидан ёзди, дунёдаги барча янгиликлардан огоҳ этади. Агар шу йилга қадар бу газетага обуна бўлмаган, уни ўқимаган бўлсангиз, шопшилинг, албатта 1995 йил учун обуна бўлинг. Афсусланмайсиз.



Соғлом авлод учун

Мастура опадан болалар чўчишмайди

Халқимизда хўб топиб айтилган бир нақл бор: “Фарзанд — болдан лазиз”. Фарзандларимиз соглом, баркамол ва етук бўлсалар, нур устига нур.

Республикамизда “Соғлом авлод учун” жамғармасининг ташкил қилинши, “Болани она сутн билан боқиши” йиллининг жорий этилиши ва шу каби қатор тадбирларнинг ўтказишдан асосий ҳам мақсад шу — фарзандларимизни соглом ва баркамол волга етказиш эди.

Мустақилларимизнинг уч йиллиги муносабати билан республикамизда ана шу мақсад йўлида хизмат қилиб, қатор орден ва медалларни билан мукофотланганлар орасида фарзандларимиз таълим-тарбияси,

саломатлиги йўлида фидокорона мөхнат қилиб келаётган инсонларнинг ҳам борлиги, авлодимиз келаётгана бўлган ғамхўрлигининг яна бир яққол намунасидир.

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманинда 21-болалар шифохонаси бош шифокори Мастура опа Зокирова ҳам кўп йилларнинг мөхнатлари звязига шарафли “Шўҳрат” медали билан тақдирланадилар.

Менга берилган ушбу мукофотни, аввалимбор уруш сабаб дилидаги орзуларни тўла ушалмай қолган отажонимга, кўп йиллардан бўён тиббий ҳамшира бўлиб мөхнат қилиб келаётган онажонимга берилган деб хисоблайман, — дейди Мастура опа Зокирова, — Зоро, менинг

шифокор бўлиб етишиб, ҳалқимга озми-кўпми мөхнатим сингаётгани ана шу инсонларнинг таълим-тарбияси, панду насиҳатлари самараси деб биламан. Қолаверса, шифохонамизда кўп йиллардан бўён фарзандларимиз саломатларига пособон бўлиб келаётган устозларимнинг мукофоти деб биламан.

Сир эмаски, ҳозирги иктиносий тақчиллик даврида ўз касбини ўзгартириб кетаётган шифокорлар ҳам йўқ эмас. Бизнинг аҳоли жамоамиз қатори ҳамниша тўлиқ. 55 нафар шифокорларимизнинг аксарияти 20-30 йиллардан бўён ўз касбини ардоқлаб келаётгандардан. Уларнинг кўп йилларни тажрибалари биназар. Ваҳоланки, ана шундай ҳамширалар кўпайиб бормоқда. Ваҳоланки, ана шундай ҳамширалар аввал ўзларни тиббий кўрикдан

йтади. Ана шундай кекса ва тақриби шифокорларимиздан бирни Раъно опа Ҳамдамова жамоамизининг фахрнадир. Мустақилларимизнинг йиллиги муносабати билан Раъно

опанинг 33 йиллик фидокорона мөхнатлари муносиб тақдирланди, “Соғлом авлод учун” ордени соғирнандори бўлди.

Фарзандларимизнинг нозик навнинг киёслаш мумкин. Улар турли касалликларга тез чалинадилар. Об

хаво ўзарини билан улар орасида шамоллаш касалниги кўлади. Биз шифокорлар эса ҳадеб дорин-дармонларга мурожаат этавермай, уларни миллий табобат усусларни билан даволашнимиз позим. Ҳозирги пайтда укол қилишини ўрганиб олиб, фарзандларга, таниш-билишларига ўзлари укол қилаётган хонаки ҳамширалар кўпайиб бормоқда. Ваҳоланки, ана шундай ҳамширалар аввал ўзларни тиббий кўрикдан

утишлари лозим. Улар бизга мурожаат қилсалар, тиббий кўрикдан ўтганиларни ҳақида маҳсус гувоҳномалар берсак, баҳамжихат иш юртсак, мақсадга мувоғи бўларди.

Қилинажак ишпаримиз жуда кўп, режаларимиз улкан...

Одатда жажки болажонлар оқ халат кийган шифокорлардан ҳайниншади. Бунга балки, болаларимизга қарат “ана доктор опанинг келаяти”, айтганимни қилмасанг, ҳозир сенга игна санчиг кўяди”, дег пўлписа қилинмиздандир. Лекин Мастура опадан болалар чўчишмайди, уни худди ўз оналаридек севишиади. Мастура опа нурағшон чекраси, майин табассуми, ширинсуханлиги, болалар қалбига йўл топа олиши ва ўта самимийнги сабаб, каттато кичик ардоғига тушган шифокорлардан. Феруза ЖАЛИЛОВА.

"Ором" да боғча-мактаб

Тошкентдаги "Ором" болалар боғчасида пойтахтимизда биринчи бўлиб боғча-мактаб очилди. Янги бино курилиб, 21 нафар иқтидорли кичконтойлар боғча бағридаги мактабда таҳсил ола бошладилар.

Боғча жамоасининг ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу боғча-мактаб бошлангич таълимга асосланган бўлиб, унда ўқувчиларнинг қўшимча равища эстетика, этика, чет тиллари ва бошқа фанлардан сабоқ олишлари кўзда тутилмоқд.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шартшароитлар яратилган, ёргу ва шинам синф хоналар, бадий асарларга бой бўлган кутубхона ҳозирлаб қўйилган.

Уз мухбirimiz.



Ўйин-викторина

"СВЕТАФОР-94"

Болалар! Газетамизнинг шу йил 29 март сонида "Светафор-94" ўйин-викторинасининг 1 босқич савол ва топшириклиарни зълон қилган эдик. Бу саволларга 50 дан зиёд жавоб олдик. Бу, албатта, оз ва айрим вилоятларда болаларга йўлларда ҳаракатланиш коидаларини ўргатиш яхши ўйла кўйилмаганигидан далолат беради. Ўйин-викторинамизнинг навбатдаги босқичида қатнашувчи ўқувчилар сони янада ортади деган умиддамиш.

Мактублар орасида биргина ўқувчи эмас, балки "Светафор" ёки "Харакатнинг ёш назоратчилари" гурӯҳлари аъзоларининг биргалиқда ўзборган жавобларнинг борлиги бизни қувонтириди. Бундай гурӯҳ аъзолари "Светафор" ўйин-викторинасини газета орқали кузатиб боришлиари, унинг савол-топшириклиарига жавобларни қизиқиш билан топишларини хам бизга маълум қилишган. Наманганд вилояти, Наманганд туманиндағи 14-мактабнинг 7-сinf "Харакатнинг ёш назоратчилари" гурӯхи аъзолари;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 2-лицей мактабнинг "Светафор" гурӯхи ана шулар жумласидандир.

"Светафор-94" ўйин-викторинаси ҳакамлари ушбу иккى гурӯхни ва Наманганд вилояти, Чортқо туманинда 28-мактаб ўқувчиси Зайнаб КИРГИЗОВАни ўйин-викторинанин I босқич голиблари, деб топди. Биз уларни кутлаймиз ва кейинги босқичларда хам улардан жавоб мактублари кутамиз.

Энди эса I босқичда зълон қилинган саволларнинг жавоблари билан танишинг.

I. Аҳмад тўғри иш қилмади. Чунки 12 ёшли болалар катта велосипедни серқатишни ўйла ҳайдашлари асло мумкин эмас. Уларга ўз велосипедларини фактат махсус ажратилган жойлардагина ҳайдашларига руҳсат этилади.

(Давоми 3-бетда).

"Нимжон бола"

Утган йили мени синфодашларим шундай чакиришарди. Сабаби, бўйимнинг пастилиги ва тез-тез шамоллаб колаверишимдан эди.

Бу йил мактабимизда теннис тўғарагининг ташкил қилинганинг эшитиб, севиниб кетдим. Зафар исмли дўстим билан тўғаракка аъзо бўлдик. Ҳозирда ҳафтасига 5 кун мунтазам тўғарак машгулотларига қатнаб турибмиз. Тўғарак раҳбаримиз Қодир ака Шералиевнинг айтишича, мен спортивнинг бу турини жуда тез ўзлаштириб олган эмишман. Ўзаро мусобакаларда ҳам тенгдошларидан бўш келётганим ўй. Ўзимни жуда дадил, кўп ишларга қодирдек ҳис қиляпман. Қисқаси, спорт билан дўстлашишда ҳикмат кўп экан!

Ҳикматилла ЯХЁЕВ,
Тошкент шаҳри.



Болаликни қўмсаб

Собир Раҳимов туманинда 22-мактабни кўпчилик яхши билади. Чунки республикамизнинг кўплаб таникли ёзувчи ва адиллари, эл севган фарзандлари айнан шу билим даргоҳида камол топганлар. Янги ўкув йилида ҳам мактабнинг файзи бўлакча, 60-бор ўз битирувчи қадирларини мустақил ҳаётга учирма қилиш тарафдудида.

60 йил! Бу оз фурсат эмас, албатта. Бу

Қадрдон гўша

давр мобайнида қанчадан-қанча шоири ёзувчилар, олиму фузалолар етишиб чиқиши: Кудус Муҳаммадий, Туроб Тўла, Пўлат Мўмин, Эркин Воҳидов, Анвар Истроилов, Мақсуд Қориев, Қурдат Ҳикмат, Қутби Носирова, Муқаддас Абдусаматова... эҳ-хе, уларнинг сафи жуда кенг. Биринчи ўзбек генераллари Собир Раҳимов ва Собиржон Охунжонов ҳам айнан мана шу мактаб парталарида илк бор "Алифбе" вақлашган.

Ушбу масканда собиқ битируvчилар билан мактаб ўқувчиларнинг тез-тез учрашувлар ўтказиб турилиши яхши бир анъанага айланган. Яқинда мактабнинг 1953-54 йиллардаги битируvчилари қадрдон гўшалари, севимли устозларини зиёрат қилгани жамланиши. Физикаматематика фанлари доктори Қурдатилла ака Латипов ва биология фанлари доктори Абдулла ака Қориевни ўқувчилар саволларга кўмид ташлаши. Ўз навбатида, улгайтак улар сингари ҳақиқий инсонлар бўлиб етишишга, "22-мактаб битируvчилари"нинг фахрли рўйхатини тўлдира боришига тантанали ваъда бердилар.

Суратларда: дўстона учрашувлардан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

Узоқ йиллар давомида хорижликлар хаётига, уларнинг яшаш тарзига ҳавас билан қараб келдик. Аммо уларнинг ҳам бизга ҳавас қилинанинг ҳеч кузатганимиз?

Ўзбекистон амалий санъати музейининг кўргазмалар залидаги зардўзлик бўлими доимо одамлар билан гавжум. Ўша хориждан келган сайёхлар Бухоро ва Самарқанд зардўзларининг буюк истеъоди билан яратилган буюмлар олдида узоқ туриб, ҳайрат билан томоша қилишар ва уларни яратсан кўлларга таҳсислар айтишарди.

Ха, зардўзлик ўзбек миллатининг ифтихори. Шу сабаб, юртимизнинг гўзал қизлари ана шу касбни эгаллашга астойдил ҳаракат қилишади. Самарқанд вилояти,

богларни кўриб ҳаяжонлансан, демак, бу каби оддий ҳоллар "ноёб"лик мақомига кўтарилибди-да!

Ёдимда, ўкувчилар чогларимизда бир бебош тентдошмизга қайсири гунохи учун муаллимимиз ўшқириб иккى тарсаки туширганди, синфдош кизларимиздан бирор беихтиёр "урман", деб йиглаб юборганди.

Ўшанда ўзимизни ҳам танафусларда ҳоли-жонимизга қўймай безор қилиб юрадиган "иккичи" синфодашмизга қўл кўтарган ўқитувчимизнинг ҳаракати ҳеч биримизга ёқмай, ҳаммамизнинг

кайфиятимиз бузилган эди. Бизни норози қиёфада кўрган домламиз дарров, овозини пасайтириб,

дарсни давом эттирганди ўшанда. Шу-шу биз бу кишининг болаларга қўл кўтарганини кўрмадик.

Назаримда, ўша куни ўзимиз ҳам сезмаган ҳолда мувозанатдан чиқсан бир одамни шаштидан қайтиришнинг жуда осон йўлини топган эдик.

Кексалар, ҳар қандай бемаънилилек бекорчиликдан дейишади. Ростдан ҳам, биз, ота-оналардан нафақат фарзандларимизда жавобгарлик, маътулият туйгуларини ўтгота олмаяпмиз, балки уларни қаровсиз қолдириб, айрим ҳолларда унтиб ҳам кўяяпмиз чоги...

Албатта, болалардан аразлаш ўринли эмас, лекин ота-оналардан гина қилишга ҳақимиз бор, деб ўйлайман. Негаки, падари бузруквор, волидан мухтарама деб эъзозланувчи бу улуг зотлар фарзанд учун ҳомийтина эмас, устоз ҳамдир. Ахир, ўзимиз ҳам китоб ўқиши, газетажурнал вақақлашни аямиздан, дадамиздан ўрганганимиз. Улар бизни "ўқигин", деб қистамаган, балки ўзлари ўқиб ибрат кўрсатган, Нима, бизнинг фарзандларимизга ҳар томонлама ўрнак бўлишга кунтимиз, курбимиз етмайдими? Етади! Бунга бироз ҳафса керак, холос.

Биз базъан болаларга насиҳат ёқмайди, деб қўя қоламиз. Аслида бу гапга унчалик қўшилиб бўлмайди, ота-оналари билан сұхбатлашишни, уларга тақлид қилишини кичконтойлар жуда яхши кўради. Ҳолбуки, улар билан гурунглашиб, ўзимиз ҳам бир дунё завъ оламиз. Фақат шунга вакт ажратса олсан.

Хар бир ота-она фарзандлари олдида ўзини бурчлигини эмас, қардкордек ҳам сезса, улар ҳада қилаёттан қувончлар эвазига мен болаларимга нима беряпман, деган саволга жавоб қидирса, бизни кийнаётган жумбоқлар бирин-кетин ечилиб кетармиди, деган фикрдамиз. Зотан, бугун вагон өки мақтабда бирорта гулсиз синф ёки гулсиз ўйлакни кўрмадим. Дарвоке, гул ўстириш учун унчалик кўп вакт ҳам, меҳнат ҳам, маблаг ҳам керакмас. Болалар кўнглидаги табиатта мухаббат туйгусини рагбатлантириб озигина ҳафса қилинса бас — ҳаммаёқ яшнаб кетади. Бизни қувонтирган яна бир чиройли манзора шў бўлди, тўрт қаватли мухташам мактабнинг ярқириб артилган деразалари орасида бирорта ҳам синиқ ойнага кўзимиз тушмади. Демак, бу даргоҳда таълим олайтган ўтил-қизларини мактабларини ўз уйларидек авайлашлари шубҳасиз. Эҳтимол, муаллимларини ҳам ота-оналари каби эъзозлашар.

Қизиқ, бутун ойналарни кўриб ҳайратлансан, дераза раҳларидаги яшнок гулларни, пайхон қилинмаган ўргатмоқда.

Ҳозирги кунда тўғарак аъзолари ахолидан буюрталар олиб ишлашмоқда, буюрталардан тушган маблагнинг бир қисми Ойбек номли Болалар ва Ўсмирилар уйи ҳисобига туширилмоқда, яна бир қисми эса тўғаракка турли жиҳозлар ва зардўзлик дасттоҳларини ясатишга сарфланмоқда. Тўғарак аъзолари тикикан зардўзи буюмларнинг кўргазмасини кўздан кечириб эканиман, каттақўргонлик зардўзларнинг нағис ва тақрорланмас яратувчаник ишларида зафарлар тиладим.

Козимжон СОАТОВ,

Самарқанд вилояти, Каттақўргон шаҳри.

Халқ амалий санъати

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАЙРАТДА ҚОЛДИ

Каттақўргон шаҳри, Ойбек номидаги

Болалар ва Ўсмирилар ижодий уйи қонида ташкил этилган нағис ва қадимий халқ санъати — зардўзлик ўргатувчи курс талабалари ҳам ана шулардан. Курснинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, тўғарак дъозоларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларга бу санъат сирларини устозлари, тажрибали зардўз Нигора опа Пирназарова

Ҳорижликлар

Ҳайратда қолди

ўргатмоқда.

Ҳозирги кунда тўғарак аъзолари ахолидан буюрталар олиб ишлашмоқда, буюрталардан тушган маблагнинг бир қисми Ойбек номли Болалар ва Ўсмирилар уйи ҳисобига туширилмоқда, яна бир қисми эса тўғаракка турли жиҳозлар ва зардўзлик дасттоҳларини ясатишга сарфланмоқда. Тўғарак аъзолари тикикан зардўзи буюмларнинг кўргазмасини кўздан кечириб эканиман, каттақўргонлик зардўзларнинг нағис ва тақрорланмас яратувчаник ишларида зафарлар тиладим.

Чайнворт



Ҳасан Олимов Самарқанд вилояти Болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройи, "Наққошлик" тўғараги раҳбари Санобар опа Аннаеванинг умидли шогирдларидан. Ҳасанжон шаҳардаги 56-мактабнинг 9-синфида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга мана, уч йилдирки ана шу тўғаракка ҳам мунтазам қатнашиб келмоқда.

Дастлаб бироз қийинчиликлар ҳам бўлди, ишлаган нашқларидан кўнгли тўлмай юрган кезларда, "Мендан наққош чиқмас экан-да" деган хаёлларга борди. Шундай пайтларда устозининг далдалари, бу касбнинг кицидан сабр-токаз, бардош талаб килиши ҳақидаги ўйтлари асқотди. Тушкунликка тушмай, изланаверди. Шундан бўйса керак, қўлга киритаётган барча ютуқларида устозининг ҳам хизматлари бисёр эканлиги ҳақида кўп гапиради.

У яқинда ўзи ясаган олти бурчакли, нақшинкор курсичаси билан вилоят кўригига иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Суратда: — Иzlанишларимиз зеэ кетмади, — дейди мамнуният билан Санобар опа шогирди Ҳасанжоннинг севинчларига шерик бўйиб.

Р. АЛЬБЕКОВ туширган сурат.

Ўйин-викторина

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

“СВЕТАФОР-94”

2. Аҳмад трамвайдада ўзини тўғри тута олмади.

3. Алишернинг ўртоғи тўғри гапириди. Акром йўллардаги ҳаракатланиш қоидасини бузди.

4. Аҳмад транспортлар ҳаракати каматнов бўлган, ҳаракат тартибга солинмайдиган чорраҳага дуч келган.

5. Бундай чорраҳадан ўтаётгандага ниҳоятда эҳтиёж бўлиш керак. Чорраҳага кириб келаётган киши транспорт воситалари йўқлигига ишонч ҳосил қилингандан кейингина ўта бошлаши мумкин.

6. Аҳмаднинг ўртоғи “Хавфсизлик оропаси”ни кўзда тутган. Йўлни кесиб ўтишга ўлтурмай қолган йўловчи “Хавфсизлик оропаси”да тўхтаб туриши керак.

II БОСКИЧ

САВОЛЛАР:

1. Кимларга да қаерда велосипедда юришга рұксат этилади?

2. Қайси ҳолларда велосипед ҳайдаш мумкин эмас?

3. Саёҳатларга қандай транспорт воситаларида чиқиши хавфсиз?

4. Нима учун йўлнинг ўртасида ёки йўл ёқасида турли ўйинлар уюштириш мумкин эмас?

5. Йўл ҳаракати қоидаларини бузा�ётгандан болаларни кўрганда ҳаракат қилиш керак?

6. Ака-ука йўлнинг иккى томонида кетишадиган эди. Укаси акаси томонга чопиб ўтаман деб, баҳтсиз ҳодисага учради. Аканинг хатоси нимада?

ТОПШИРИКЛАР:

Биринчи чорақ якунига ҳам оз қолди. Таътил кунлар қўйидаги топшириклиарни мактаб ва маҳаллаларда, турар жойларда амалга оширинг.

1. Сиз яшаётган ҳудудда, мактабнингизда “Светафор” майдончаси бўлишига эришинг.

2. “Йўл ҳаракати ёш назоратчилари” гурӯҳлари ёрдамида йўл ҳаракати қоидаларига оид турли ўйинлар, мавзуй кечга, мушоира, мусобақа, китобхонлар конференцияси ва викториналар ўтказинг.

3. Давлат автомобил назорати ходимлари, транспорт ҳайдовчилари, соғлиқни сақлаш ходимлари билан учрашувлар уюштиринг.

4. Йўл ҳаракатига оид энг яхши расм, плакат ва макетлар танловини ўтказинг.

Олиб борилган қизиқарли тадбирларингиз ҳақида ёзиб юборинг.

“Светафор-94” ўйин-викторинасинынг материалларини Фозилжон СОДИҚОВ тайёрлаган.

1-СИНФДАН 3-СИНФГА


Нигора ўта зеҳни қиз. 15-мактаб 1-синфга қадам қўйган вақтларидан ўзининг ўтикли зеҳни, билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан тенгкўрлари орасида ахралиб турарди. Шундай дасрларни тезда ўзлаштириб олиб, тушунмай қолган синфдошларига ҳам ёрдамлашиб юборарди. Кизчадаги ноёб қобилиятни пайқаган устози Шарифахон опа Акбарова у билан алоҳида шуғуллана бошлади. Тез орада Нигора нафақат 1-синф, балки 2-синф дастурини ҳам мукаммал ўзлаштириб олди.

Шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда Избоскан туман ҳалқ таълими бўлмининг тезкор комиссияси Нигорида бир йўла 1-синфдан 3-синфга кўчиришиди.

Отабек ҚОДИРЖОН ўғли, Андикон вилояти.

Қадрли ўспиринлар!

Энди сизни “бала” деб бўлмайди. Фақат ўқиш ҳақидагина эмас, хунар ўрганиши, бир касбни эгаллаш борасида ҳам жиддий ўйлаш палласи етди. Бекорга элизим орасида “Бир йигита кирк хунар кам” мақоли юрмайди-да. Ўтмишда эса хунар ўрганиш учун асосан моҳир устага шогирд тушишган. Бу ўзгача хунар мактабининг ўзига яраша шаклланган анъяналари, амал килса, фойдадан ҳоли бўлмайдиган удум ва рисолалари бўлган. Шубҳасиз, шу руҳда тарбияланган, забардаст уста бўлиб етишган усталаримиз ҳозир ҳам бор. Аммо



улар жуда кам. Негаки, кейинги 50 йилда уларнинг санъаткорона ишига ўтибор берилмади. Бир хил қолипдаги нарсалар ясаш талаб қилингандан жуда кўп хунармандларимиз синиб, уларнинг гузал, зарур касблари кераксиз бўлиб қолди ва ўйқолиб кетиш ҳавфи туғилди. Аммо бугунги кун тириклигини шубҳасиз ўша касбларни эгаллаш, турмушга жорий этишини талаб этмоқда. Бунда эса мустақил, ёш давлатимиз сиздан умид қиласи.

Яқинда мен хизмат сафари билан Бухорода бўлганимда Гиждувон туманинаги таъмирлашда жонбозлик кўрсатётган, хунар эгаллашда, унӣ ёшларга ўргатишда кўпчилик хурматини қозонган уста Азим ҲАЙИТОВ ишлари билан танишиб, сухбатини олдим. Кариб 50 йилдан бўён тарихий обидаларни таъмирлаш билан шуғулланиб келаётган уста Азимнинг Бухори шариф ва унинг атрофидаги жуда кўп асрри иморатларини мустаҳкам турнишида алоҳида хиссаси бор. У доим фарҳимиз бўлган тарихий обидалар нураб бораётгандан, уларга ўтибор ҳамон камлигидан, таъмирлаб боришига куч етмаслигидан куйинади. Бу ишларнинг яхшилини ёшларимизнинг тархимизнага, хунар эгаллашга муносабати ўзғариши билан бўлади деб билади. Устанинг фикрига қўшилмай илож ўйқ. Айниқса, унинг устоз-шогирдлик таомиллари, хунарманд қандай инсон бўлиши кераклиги ҳақидаги муроҳазалари амал килса арагулилди.

— Уста бобо. Маца сиз бутун умрингизни шу хунарга багишласиз.

Айтингчи, мемор учун энг муҳими нима, деб биласиз?

— Поклик ва ишқ. Меморнинг, яъни иморат устасининг аввало қўнгли тоза бўлиши керак. Шундагина иши юришиди. Унга ҳайратланарли салоҳиятни, куч-кудратни Оллоҳ ҳади этади. Яна бирим мемор ўз касбни жуда ҳам севиши, ҳамиша ароқлаши лозим. У ўз ҳасбни камиди фарзандини яхши кўрганидек етадиган усталаримиз ҳозир ҳам бор. Аммо

— Даъвоқ, Сизнинг хунарнинг оддий иморат устаси эмас, улуг бобокалонларимиз тиклаб кетган мухташам, мангаликка даҳлдор тарихий обидаларнинг умранинг узайтиришдир. Шу жиҳатдан таъмиричи билан янги ўй курувчи ишидаги фарқ нимадан иборат?

— Янги иморат устасининг иши ҳам осон эмас. Бироқ оралиқдаги меҳнат фаркини айтадиган бўлслак анча-мунча. Тарихий иморатни қайта созлайдиган уста

шогирд ҳам шунга яраша устозини отасига тенг кўриши керак.

— Бу ҳунари сиз кимдан ўргангансиз?

— Бизнинг аждодларимизда усталар кўп. Улар камиди 200 йилдан буён бир-биридан бу ҳунарни мерос олиб тириклини юргизиб келишиди. Шахсан менинг бу ҳунарни эгаллашимда, айнича, тогам Имомкунинг кўп меҳнати синтага.

— Усталарнинг ўзига яраша амал киладиган рисоласи бор дейишиди?

— Унда энг таъқиқловчи даражада кайтарилган ишлар борми.

— Бор. Улар асосан утга.

Ҳаққиқи уста катта пул, катта мансаб, чиройли хотиндан сал нарида юрса иши юришиди.

— Шогирдликдан мустақил усталикка ўтиш қандай бўлади?

— Бунинг ҳам ўзига яраша вакт-соати, удумлари бор. Шогирди кўлидан мустақил иш келишига ишонч ҳосил қилган уста

Зеҳнни пок айлангиз

унга алоҳида бир иш топширади-да шу-иш бошланиши олдида махсус маросим ўтказилади.

Унда жамоат олдида ўтганлар ароҳига хатми-куръон қилиниб, шогирдга янги койпой кийгизилди, фута (белбог) боғланади. Ва, унга оқ йўл берилди. Ҳазрати Шоҳи Мардон, Ҳазрати Абу Бакр Сиддик деб фотиха берилади. Жамоат олдинга эса аввало ширгуруч тортилади.

— Нега палов эмас, ширгуруч?

— Бу рамзий маънога эга. Ширгуруч тайёрлашда сут қўшилини биласиз. Шундан таом оқ бўлади. Жамоат олдинга аввало бу таом тортилар экан, устанинг иши оқлик, эзгулик дегани бўлади. Яна унда оқ йўл тилаш маъноси ҳам мұжассамдир. Ривоят қилишларича, бу касбнинг пири ҳазрати Шоҳи Мардон ҳам ишларни юртлашади.

— Устозларнингиздан яна нималарни ўргангансиз?

— Уста Шириннинг шогирдлари — менинг устозларим бўлган Бобомурод Очилов, Аминжон Саломов, Анваржон Куллиев кўдичинча бировникида уста иш килса, пул ва оқватни сўраб тортишмасин, аёли бўлса ўзидан ёши каттасини она ё опасидай, кичигини сийглиси ва қизидай кўрсинг, молига ҳам ола қарамасин дейишиш ва бунга қатъий амал қиласи. Оддоҳга шукурки, устозлардаги бу фазилатлар менинг ҳам дилимга ўрнашган. Буни устачиликка ҳавас қўйган ҳар бир ўспирин билиши ҳам фарз, ҳам қарэдид.


Вафо ФАЙЗУЛЛО.

Топағон

ЎЙЛАБ ТОП!

Кодирнинг кайфияти зўр эди. Чунки чўнтағида бироз пули бор ва у бу пулларга бирон нарса сотиб олишни мўлжаллар эди. Дўконга кириб, у дўкондордан чўнтағида қанча пули бўлса яна шунча қарз олди ва шундан сўнг бир сўм пул ишлатди. Кейин у бошқа дўконга кирди ва яна дўкондордан ўзида қанча пул бўлса шунча қарз олди. Ва шу пулдан иккى сўм ишлатди. Шу тарзда кетма-кет яна иккى дўконга кириб, дўкондорлардан қарз олди ва аввалгида 5,6 сўмни ишлатди.

Кодир охирги дўкондан чиқиб келгanda унинг чўнтағида чака ҳам қолмаган эди. Қани энди топингчи, Кодирнинг чўнтағида энг аввал қанча пул бор эди ва у жами қанча пул ишлатди?



Шоирлар — болаларга

ХОТИРА

Урш-урш ўйнап болалар,
Кўлларида ёғондан милик.
Отадилар ёғондан улар.
Бу ўйнга бунчалар интиқ.
Тол тагида сояда бир чол.
Кузатарди кўзларида ёш.
Хаёллари бебош хаёллар.
Ўксик қалбин тирнайди
бардош.
Мажрух чолда қолмаган
тоқат.
Оргик уруш ғамин
тортмоқса.
Ярмисидан йўқ эди қўли,
Кўзидаги ёшли артмоқда.

ҚўМСАШ

Болалик йилларим қолиб
кетдингиз,
Олис қишлоқларим чанг
кўчасида.
Мени минг бор олиб ўтдингиз,
Хайратга айланган ёз
кечасида.
Беғубор, ҳайратли яшаган
юрак,
Ошифта онларим келингиз
қайтиб.
Беғубор ёшлини юрагим
кўмсаб,
Ўша кўчаларда юради дайдиб.
Қай бир тонг ўйғониб
дард тўлғонида,
Киприкда ёшларим қолади
котиб.
Шу оқшом армонли
боловларимни,
Эсси... бир умрга
қўйдим йўқотиб.
Сожида ЭШБУРИЕВА,
пайарик.

Кимнинг қандай инсонлигин
Бахосини халқ айтади.
Синаб-синаб аҳир бир кун
Вафосиздан эл қайтади.
Халқни алдаб нонин еган,
Имонига ўтлар кетар
Кейин келган янги авлод

ХАЛҚ АЙТАДИ

Ундейларга лаънат айтар.
Мақсадимиз улуг халқа
Тоза виждонлилар керак
Биздан эзгу ишлар қолар,
Келажакка бўлиб ўрнак.
Иродонга олқиши айтар,
Бутун дунё, она халқим.

Обрўйингни омон сақла
Боболарнинг руҳи хаққи.
Жаҳон бизни танимоқда,
Раҳнамодир — юртбошимиз,
Келажаги буюк давлат,
Бахти яшар авлодимиз.

Юсуф ЁҚУБОВ.

Донишманлар бисотидан

Мен унга њеч бир ёмонлик қимлаган бўлсан ҳам, у пайимда юради, ҳатто мени ўлдириш учун фурсат кутади. Кеңа у душманининг жуда паст бир жар ёқасида ухлаб ётганини кўрдим. Агар ўйқусираф ёндан иккинчи ёнга ағдарилса ёки қаттироқ товуш чиқариб ўйғотилса, туришга ҳаракат қилиб жартга қулаф тушви шикастланиши мумкин эди. Мен товуш чиқармасдан, секингина юриб унинг ёнига бордим. Жуда эҳтиётлик билан уни ушлаб, аста-секин ўз томонимга торта бошладим. Анча берига келип хавф-ҳатардан кутулгандан кейин руҳим кўтарили, шодланиб ўйлимда давом этдим.

Отаси:
— Жуда тўғри иш қилгансан ўглим, вижоний вазифангни адо этсансан. Лекин у олмос сенинг хусусий мүлкинг эмас-ку?

Кичик ўғли отасига таъзим қилиб:
— Отажон, менга доимо душманилик назари билан боқиб, зарар етказиб юрган бир одам бор.

Нашра Хикматулло X. тайёрлари.

Энг улуг фазилат

Қадим замонда бир мўтабар одамнинг иккиги
үғли бор эди. Бир куни уларни ўз ҳузурига
чакириб олиб шундай деди:

— Ўғилларим, сизларни синамоқчиман, бир ой
саёҳат қилинг. Шу бир ойлик умрингизни халқа
фойдали, яхши ишларга сарф этинг. Қайси
бирингизнинг қилган яхшилигингиз энг улуг
фазилат касб этса, биромогимдаги мана шу
қимматбахо ўзукни унга бераман.

Ўғиллари ҳар тарафа тарқалиб, саёҳатга
чиқиб кетдилар. Бир ой саёҳат қилиб, яна
оталарининг ҳузурига қайтиб келдилар. Ота катта
ўғлидан сўради:

— Ўглим, шу бир ой ичидаги қандай энг улуг
фазилатли яхшилик қилдинг?
— Отажон, бир куни танҳо ўзим бир боғ

кўчасидан ўтиб кетаётсам, бир ерда жуда ҳам
қимматли олмос тушиб ётган экан. Уни олни
дарҳол тегиши мәъмурларга топширдим.
Мәъмурлар бошлиги менга ташаккур айтиб,
қўлнимга мана шу тақдирномани ёзib берди.
Олмоснинг эгасини топтириб унга топширди. Шу
қилган ишим тўғрилигига бир далил, шу
ҳаракатим энг улуг фазилат эмасми, — деб жавоб
берди катта ўғил.

Отаси:
— Жуда тўғри иш қилгансан ўглим, вижоний
вазифангни адо этсансан. Лекин у олмос сенинг
хусусий мүлкинг эмас-ку?

Кичик ўғли отасига таъзим қилиб:

— Отажон, менга доимо душманилик назари
билан боқиб, зарар етказиб юрган бир одам бор.

Аждодлар ёди

Хожи Ҳалифанинг "Кашфу зунун"ида ёзи-
лишига кўра, жаҳонгир Амир Темур даврида
XIV аср охирлари ва XV аср бошлари кўпгина
хунарпешагирлар, бунёдкорлик ҳамда бошқа
жуда кўп санъат турларининг намояндайлар
қатори Самарқандга яшаб илмий ишлар билан
машгул бўлган Али ибн Муҳаммад Сайд ибн
Шариф Журжоний ва Саъдиддин ат-
Тафтазонийлар ҳам бўлиб, булар ўша давринг
энг забардаст алломалари ҳамда
файлусуфларидан эдилар. Ҳусусан, аллома
замон деб таъриф-тавсифлантан Саъдиддин ат-
Тафтазоний дорулсалтанат Самарқанд
мадрасаларида дин ва дунёвий илмлардан дарс
берган, сарой олимларига сарбонлик ҳам қилган
екан.

Бу мўтабар зот 1393 йилда 81 ёшида
дорусалтанат Самарқандда фоний дунёда
дорулбакога риҳлат этган. Мархумнинг жасади
унинг ўз васиятига биноан Сарахса элтирилиб,
иззат-икром билан дағи этилганили ҳакида
манбаларда қайд этилади. Ҳофиз
Тошкандийнинг эса шахсан ана шу иккиси
алломалар, Али ибн Муҳаммад Сайд ибн
Шариф Журжоник билан Саъдиддин ат-
Тафтазонийларга багишланган қимматли асари
бўлган. Шуингдек, бу иккиси сиймолар
уртасидаги адабийтшунослик термини ҳакида
мунозараларнинг мөхиятини ёритиши мақсадида
Ҳофиз Тошкандий "яна "Истиораи тамсила"
китобини ҳам ёзган. Бу китобнинг бир
нусхасини у Туркияга қилган сафарида
усмонийлар ҳукмдори сulton Салимга ҳада
қилган. Аллома Истамбулда бўлган
кезларининг дастлабки кунларида улуг
фалакшунос бобоси Али Кушчи дағи этилган
муқаддас зиёратгоҳ "Або Аюб Ансорий"
қабристонига борган ва Аловиддин Али
Кушчининг қабрини зиёрат қилган экан. У
салжуқийлар ҳукмдори ва унинг вазiri атъами
Муҳаммад пошшонинг бехад ҳурматларига
сазовор бўлган. Узокни кўра билувчи, ўтири
(Давоми. Бонланиши ўтган сонда).

Фикрли сulton Салим Ҳофиз Тошкандийни ил-
му амалда бехад иқтидорли, салоҳиятли, фасих
забон киши эканлигини кўриб, унга Туркияд
қолишини ва вазiri аъзамлик мансабини
згаллашни таклиф қилинг. Бироқ олим ўзига
билидирилган бундай улуг ҳурматлар учун
багоят мамнун ва миннадорчилганини изҳор
этиб, сultonнинг тақлифини узр илиа рад этиди
ҳамда она замини Тошкентта қайтади ва қолган
ҳаётини илмий ишларини давом ётиришга сарф

Ёрмуҳаммад ибн Пирмуҳаммад
Мирхусайниннинг "Муаммо" асаридир. Ҳофиз
Тошкандий бу асарнинг бош қисмидаги очик
саҳифасига ўз қўли билан форс тилида:
"Таъжжуб ва ҳайратли иш. Бу қандай гавҳарки,
мавлоно Соний маҳфий сирларни балорот" ва
латофатарики (тарз) била маоний хазинасини
фош қилубдирилар", деб ёзган жумлалар
учрайди. Мавлоно Асомиддиннинг нахвга оид
"Мезон ул-адаб" ("Билим мезони") асарига

томонидан настъалиқда ҳуснинат билан Балх
шахрида әраб тилида кўчирилган нусхаси,
юқорида қайд этганимиздек, араб тилида
ёзилган "Фавойди Зиёия" номли шарҳ асари,
ўз устози мавлоно Асомиддин Иброҳим
Исфарийийларнинг "Шарҳ ул-мезон", "Дастур
ал-фаройи" номли форсий тилда ёзилган
китоблари сакланмоқда.

Мазкур асарларни синчилклаб ўрганиши ва
аҳоли қўлида сақланиб қолган қўлэзма
китобларни қидириб топиш тошкентлик бу
йирик, забардаст аллома ҳамда моҳир сиёсий
арбобнинг ҳаётни ва фаолиятига доир янада
тўлиқроқ маълумот бериш имконини яратади.
Бинобарин, ўлкамиз илму фани тарихига
бешаку шубҳасиз янада мазмундор
саҳифалар кўшилади.

Аммо хозирда, Мирзо Улугбекнинг
фалакиёт соҳасидаги энг якин маслақдоши
бўлган заҳматкаш улуг аллома Аловиддин Али
Кушчининг Тошкентда яшаган ардоқли номдор
набирасининг номини абадийлаштиришга
қаратилган тадбирлар ҳанузаға қадар
кўрилмаяпти. У яшаган ва кадимдан унинг
табаррук номи билан юритилиб келинган
маҳалла бугунги кунларда нечундир ёд
этганимиздек. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек,
бошқа ном билан аталиб келинаётганили қи-
шини гоят ажаблантиради, албатта. Ваҳоланки,
авлодларнинг илм чашмаларидан баҳраманд
бўлишлари учун нечоғлик тер тўкибига билан
кудук қазигандай заҳмат қилган буюк
ажодларимизни асло уннутмаслигимиз,
уларнинг руҳи-покларини манту хотирлаб
тириш биз ва келажак авлодлар олдиғаги
бирдан-бир кечкитириб бўлмайдиган масала
бўлиб колмоги керак! Мана шу ҳақда ҳам бир
ўйлаб кўрилса ва аллома Ҳофиз
Тошкандийнинг азиз номи аввалдай ўз жойида
карор топса, ёмон бўлмасди. Зоро, биз эзгу
мақсадларнинг ҳамиша амалга ошишига сўзиз
комил-ишонч билдирамиз!

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

ХОФИЗ ТОШКАНДИЙ

Кичкидаги.
Ҳофиз Куйкий Тошкандийнинг яна бир
машкур "Тархи олий Чингиз" ("Чингизхон ва
унинг авлодлари тархи") асари мўгул ва ўзбек
халқлари тархиғига оид асаридир. Бу асар
манбаларнинг нечоғлик аниқ ва тўлалиги билан
ўтмиш тархиҷилар асарларидан шубҳасиз
бевосита ажраби туради. Ушбу нодир китобни
езишда у умринг кўп қисмини мўгул
хукмдорлари саройида ўтказган эронлик
номдор муаррих Баҳоиддин Муҳаммад Ҳожа
Аловиддин Отамалик ал-Жувайниннинг (XIII
аср) "Тархи жоҳонкӯшии ал-Жувайнӣ"
("Ал-Жувайниннинг жаҳонни фатҳ этган
жаҳонгир ҳақидаги тархи") номли форс тилида
ешилган асаридан, шуингдек яна бир машҳур
муаррих ҳамда табиб Рашидиддиннинг (1247—
1318 йил) ҳам шундай форс тилида ёзилган
"Жомеъ ат-таворих" ("Танланган тарих")
асаридан кенг фойдаланган.

У жуда кўп асарларни ҳам ўқиган, манзур
деб топган китобларнинг очик саҳифаларига ўз
фикрларини қайд этган, айримларига шарҳлар
ҳам ёзган. Масалан, шундай фикр билдирилган
ҳамда 1576—1577 йиллари шарҳларига ўзим
асарлардан тошкентлик мавлоно Соний

Таъсис этувчилар:
УЗБЕКИСТОН ЬШЛАР ИТТИФОҚИ МАҶАЗИЙ
ҚўМІТАСИ, УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августан "Ленин учқуни"
номи билан чиқса бошлаган

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-уи.
Нашр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбাা концерни босмахонаси.

Газета IBM компютерида терилиди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уи.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулida босилган. Қоғоз бичими А—3.
Босишига топшириш вақти 19.00. Босишига топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6